

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги**  
**Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси**  
**ҚАРОРИ**

**Адвокатлик тузилмаларининг намунавий ҳужжатларини**  
**тасдиқлаш ҳақида**

2009 йил 14 январдаги 12/1-3-сонли «Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар Режасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Адвокатлар палатаси **қарор қилади:**

**1. Қуйидагилар:**

Адвокатлик бюросининг намунавий устави 1-иловага мувофиқ;

Адвокатлик фирмасининг намунавий устави 2-иловага мувофиқ;

Адвокатлик фирмасининг намунавий шериклик шартномаси 3-иловага мувофиқ;

Адвокатлар ҳайъатининг намунавий устави 4-иловага мувофиқ;

Адвокатлар ҳайъатининг намунавий таъсис шартномаси 5-иловага мувофиқ;

Юридик маслаҳатхона тўғрисидаги намунавий низом 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Тасдиқланган намунавий ҳужжатлар адвокатлик тузилмалари таъсисчиларига (шерикларига, аъзоларига) қўллаш учун тавсия этилсин.

3. Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармалари мазкур қарорни фаолият кўрсатаётган адвокатлик бюролари, фирмалари ва ҳайъатлари эътиборига етказилишини таъминласин.

4. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Адлия вазири ўринбосари Е.Канъязов ва Адвокатлар палатаси раисининг ўринбосари вазифасини бажарувчиси Р.Ахмедов зиммаларига юклатилсин.

**Адлия вазири**

Тошкент ш.

“20” март 2009 й.

05-07-285/8 - сон



*Р.Муҳитдинов*

**Р.Муҳитдинов**

**Адвокатлар палатаси**

**раиси**

Тошкент ш.

“20” март 2009 й.

1 - сон



*Т. Сайидов*

**Т.Сайидов**

## АДВОКАТЛИК БЮРОСИНИНГ НАМУНАВИЙ УСТАВИ

### І. Умумий қоидалар

1. “\_\_\_\_\_” адвокатлик бюроси (бундан кейинги ўринларда бюро деб юритилади) \_\_\_\_\_ томонидан \_\_\_\_\_ йил “\_” \_\_\_\_\_ да  
(адлия органининг номи)  
берилган \_\_\_\_\_-сон адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга \_\_\_\_\_ (ёки \_\_\_\_\_  
(Ф.И.О., Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортидаги маълумотлар) (адлия органининг номи)  
\_\_\_\_\_ йил “\_” \_\_\_\_\_ да берилган \_\_\_\_\_-сон адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга адвокат \_\_\_\_\_  
(Ф.И.О., Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортидаги маълумотлар)  
томонидан), бундан кейинги ўринларда адвокат деб номланувчи томонидан таъсис этилган.
2. Бюро адвокат томонидан яқка тартибда таъсис этилган ва бошқариладиган, ноtijорат ташкилоти бўлган адвокатлик тузилмасидир.
3. Бюро ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларига ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ва унинг ҳудудий бошқармалари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Адвокатларининг касб этикаси қоидаларига ва мазкур Уставга амал қилади.
4. Бюро мол-мулкка, мустақил балансга, банк ҳисобварақларига ва ўз номи кўрсатилган муҳрга эгадир.  
Бюро ўз номи кўрсатилган эмблема, штамп ва бланкаларга эга бўлиши мумкин.
5. Бюро ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқлар олишга ҳамда амалга оширишга, мажбуриятлар олишга, судда даъвогар ва жавобгар бўлишга ҳақли.
6. Бюро ўз мажбуриятлари бўйича ўзининг бутун мол-мулки билан жавоб беради.  
Бюронинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда, адвокат бюро мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли мол-мулк билан субсидиар жавобгар бўлади.
7. Бюро белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб юридик шахс мақомига эга бўлади.
8. Бюронинг номи:  
давлат тилида: “\_\_\_\_\_” адвокатлик бюроси;  
рус тилида: адвокатское бюро “\_\_\_\_\_”.
9. Бюронинг жойлашган ери (почта манзили): \_\_\_\_\_.

## II. Бюро фаолиятининг предмети ва мақсади

10. Бюро фаолиятининг предмети адвокат томонидан адвокатлик фаолиятининг якка тартибда амалга оширилишидир.

11. Бюро фаолиятининг мақсади жисмоний ва юридик шахсларга малакали юридик ёрдам кўрсатишдир.

## III. Адвокатнинг фаолияти

12. Адвокат:

жисмоний ва юридик шахсларга юридик ёрдам кўрсатади;

бюрони бошқаришни амалга оширади;

хукукни муҳофаза қилувчи органларнинг тайинловига биноан навбатчилик жадвалига мувофиқ жиноят ишларида иштирок этади;

белгиланган тартибда адвокатларнинг стажёрларини тайёрлашни амалга оширади;

бюро фаолияти билан боғлиқ бошқа ишларни юритади.

13. Юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битимлар (шартномалар) адвокат билан ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) ўртасида тузилади ва бюро ҳужжатларида рўйхатга олинади.

## IV. Бюрони бошқариш

14. Адвокат раҳбар сифатида бюрони якка тартибда бошқаради.

15. Адвокат:

бюрони самарали ишлашини таъминлайди;

бюро фаолиятининг асосий йўналишларини белгилайди;

бюро Уставини тасдиқлайди, шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритади;

ички меҳнат тартиби қоидаларини ва бошқа локал ҳужжатларни тасдиқлайди;

бюро тузилмасини, смета харажатларини, бюро ходимларининг штатлари ва иш ҳақи миқдорларини тасдиқлайди;

бюро номидан иш юритади ва уни ишончномасиз ифода этади;

хўжалик, фуқаровий-хукукий ва бошқа шартномалар тузади;

бюро ходимлари, шу жумладан, адвокатнинг стажёрлари ва ёрдамчилари билан меҳнат шартномалари (контрактлар) тузади ва бекор қилади;

адвокат томонидан ишни олиб боришга ордер бланкалари ҳисобини юритади, сақланилиши ва мақсадли фойдаланишини таъминлайди;

буйруқлар, фармойишлар ва бошқа локал ҳужжатлар чиқаради;

бюрони қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисида қарор қабул қилади;

бюро фаолияти билан боғлиқ бошқа қарорлар қабул қилади.

## V. Бюронинг мол-мулки

16. Бюронинг мол-мулки бино, хона, транспорт воситалари, мебель ва бошқа жиҳозлар, техник воситалари, пул маблағлари ва бошқа мол-мулкдан иборатдир.

17. Бюро мол-мулкни шакллантириш манбалари куйидагилардир:  
 бюрога адвокат томонидан бюро мулки қилиб топширилган мол-мулк;  
 адвокат томонидан бюрога топшириладиган ҳар ойлик ажратмалар;  
 фаолият давомида эга бўлинган мол-мулк;  
 қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа маблағлар.

18. Адвокат томонидан бюрога мол-мулкни топшириш ҳисоби вужудга келган, шунингдек, бюрони ташкил этилиши ва фаолияти давомида у томонидан эга бўлинган ёки олинган мол-мулк мулк ҳуқуқи асосида бюрога тегишли.

Адвокат томонидан бюрога топшириладиган мулкни пул билан баҳолаш адвокат томонидан мустақил амалга оширилади.

19. Ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) томонидан адвокатга тўланадиган ҳақ ва адвокатнинг топшириқни бажариш билан боғлиқ харажатларини компенсация қилиш юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битимда (шартномада) назарда тутилган тартиб ва муддатларда бюронинг кассасига кирим қилиниши ёки бюронинг банкдаги ҳисобварағига ўтказилиши шарт.

Бюро томонидан юридик ёрдам кўрсатганлик учун ҳақ тўлашнинг куйидаги шакллари белгиланиши мумкин: соатбай, ҳар ойлик, муайян бажарилган ҳажм учун ёки бошқа.

20. Бюронинг таъминоти, ривожланиши ва унинг зиммасига юклатилган вазифаларни самарали бажариш мақсадида адвокат ҳар ойда бюрога \_\_\_\_\_ сўм миқдорида ажратмалар тўлайди.

Юридик ёрдам кўрсатиш учун ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) томонидан адвокатга тўланадиган ҳақнинг суммалари қонун ҳужжатларига мувофиқ солиққа тортилади. Солиққа тортилиш адвокатнинг солиқ агенти ҳисобланган бюро томонидан амалга оширилади.

Ишонч билдирувчи шахслардан (ҳимоя остидаги шахслардан) юридик ёрдам кўрсатиш учун адвокат томонидан олган пул маблағларининг қолдиқлари адвокатнинг тасарруфига тушади.

21. Бюронинг пул маблағлари бюрони моддий-техника жиҳатидан жиҳозлашга, ходимлар, шу жумладан, адвокатларнинг стажёрлари ва ёрдамчилари меҳнатига ҳақ тўлашга ҳамда бюронинг устав мақсадларини бажариш билан боғлиқ бошқа мақсадларига сарфланади.

## VI. Бюронинг фаолиятини тугатиш

22. Бюрони қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларига ва мазкур Уставга мувофиқ амалга оширилади.

23. Бюрони қайта ташкил этиш адвокатнинг қарорига биноан амалга оширилади.

24. Бюрони тугатиш адвокатнинг ёки хўжалик судининг қарорига биноан амалга оширилади.

25. Бюро ихтиёрий тугатилганида адвокат бюрони тугатиш тўғрисида қарор қабул қилади, тугатувчини тайинлайди ҳамда тугатиш тартиби ва муддатларини қонун ҳужжатларига мувофиқ белгилайди.

26. Кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилинганидан кейин қолган мол-мулк адвокатга берилади.

## VII. Яқунловчи қоида

27. Бюро ўз фаолияти натижаларини ҳисобини олиб боради ва белгиланган тартибда тегишли ташкилотларга ҳисоботлар тақдим этади.

## АДВОКАТЛИК ФИРМАСИНИНГ НАМУНАВИЙ УСТАВИ

### I. Умумий қоидалар

1. “ \_\_\_\_\_ ” адвокатлик фирмаси (бундан кейинги ўринларда фирма деб юритилади) Фирма таъсис йиғилишининг 20\_\_ йил “ \_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ даги қарори билан таъсис этилган.

2. Қуйидагилар фирма муассисларидир:

\_\_\_\_\_ томонидан \_\_\_\_\_ йил “ \_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ да  
(адлия органининг номи)  
берилган адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи \_\_\_\_\_ -сон  
лицензияга эга адвокат \_\_\_\_\_ ;

(Ф.И.О., Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортидаги маълумотлар)

\_\_\_\_\_ томонидан \_\_\_\_\_ йил “ \_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ да  
(адлия органининг номи)  
берилган адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи \_\_\_\_\_ -сон  
лицензияга эга адвокат \_\_\_\_\_ ;

(Ф.И.О., Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортидаги маълумотлар)

\_\_\_\_\_ томонидан \_\_\_\_\_ йил “ \_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ да  
(адлия органининг номи)  
берилган адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи \_\_\_\_\_ -сон  
лицензияга эга \_\_\_\_\_ ;

(Ф.И.О., Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортидаги маълумотлар)

\_\_\_\_\_ томонидан \_\_\_\_\_ йил “ \_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ да  
(адлия органининг номи)  
берилган адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи \_\_\_\_\_ -сон  
лицензияга эга \_\_\_\_\_ ;

(Ф.И.О., Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортидаги маълумотлар)

.....  
3. Фирма – шерикликка асосланган, нотижорат ташкилоти бўлган адвокатлик тузилмасидир. Фирманинг муассислари бир вақтнинг ўзида унинг шериклари ҳисобланади.

4. Фирма ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларига ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ва унинг ҳудудий бошқармалари қарорларига, Адвокатларнинг касб этикаси қоидаларига, Фирманинг шериклик шартномаси ва мазкур Уставга амал қилади.

5. Фирма мол-мулкка, мустақил балансга, банкларда ҳисобварақларига ва ўз номи кўрсатилган муҳрга эгадир.

Фирма ўз номи кўрсатилган эмблема, штамп ва бланкаларга эга бўлиши мумкин.

6. Фирма ўз номидан мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқлар олишга ҳамда амалга оширишга, мажбуриятлар олишга, судда даъвогар ва жавобгар бўлишга ҳақли.

7. Фирма ўз мажбуриятлари бўйича ўзининг бутун мол-мулки билан жавоб беради. Фирма ўз шерикларининг мажбуриятлари бўйича, шериклар эса, фирма мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

8. Фирма белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб юридик шахс мақомига эга бўлади.

9. Фирманинг номи:

давлат тилида: “\_\_\_\_\_” адвокатлик фирмаси;

рус тилида: адвокатская фирма “\_\_\_\_\_”.

10. Фирма жойлашган ери (почта манзили): \_\_\_\_\_.

11. Фирма давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 10 кундан кечиктирмай муассислар оддий ёзма шаклда ўзаро Фирманинг шериклик шартномасини тузади, унда унинг амал қилиш муддати, шериклар томонидан қарорлар қабул қилиш тартиби, бошқарувчи шерикни сайлаш тартиби, унинг ваколатлари ва бошқа муҳим шартлар кўрсатилади.

## II. Фирма фаолиятининг предмети, мақсади ва вазифалари

12. Фирма фаолиятининг предмети унинг шериклари томонидан адвокатлик фаолиятини амалга оширилишидир.

13. Фирма фаолиятининг мақсади жисмоний ва юридик шахсларга малакали юридик ёрдам кўрсатишдир.

14. Фирманинг асосий вазифалари қуйидагилардир:

жисмоний ва юридик шахсларга малакали юридик ёрдам кўрсатиш учун зарур шароитлар яратиш;

фирма шериклари ўз касбий билимларини доимий равишда такомиллаштириб боришлари учун тегишли шароитлар яратиш;

адвокатурани юқори малакали кадрлар билан тўлдириш учун адвокатлар стажёрларини тайёрлаш.

## III. Фирмадаги шерикчилик

15. Адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган ва адвокат қасамёдини қабул қилган шахслар, шунингдек, бошқа адвокатлик тузилмаларида ишлаётган адвокатлар фирмага шерикликка қабул қилинади.

16. Фирма шериклигига қабул қилиш тўғрисидаги қарор Адвокатлик фирмаси шерикларининг йиғилиши томонидан қабул қилинади.

Шерикни ишга қабул қилиш бошқарувчи шерикнинг буйруғи билан расмийлаштирилади.

Шерикнинг меҳнат шароитлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиладиган меҳнат шартномаси (контракт) билан белгиланади.

Фирма унинг шериги учун асосий иш жойидир.

17. Бошқа адвокатлик тузилмасида ишлаётган адвокат фирма шериклигига қабул қилинганидан кейин уни ана шу тузилмадан чиқариш белгиланган тартибда амалга оширилади.

18. Шериклар бошқарувчи шерикни камида уч ой олдин хабардор қилиб, истаган вақтда фирмадан чиқишга ҳақли.

19. Шерик фирма таркибидан чиқарилади ва у билан меҳнат шартномаси (контракт) бекор қилинади:

шерикнинг аризасига биноан;

шерикни муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топиш тўғрисидаги суднинг қарори қонуний кучга кирганда;

шерик томонидан адвокатнинг шаъни ва қадр-қимматига доғ туширадиган ҳамда адвокатуранинг обрўсини туширадиган қилмиш содир этилган ҳолда;

шерик томонидан ўз мажбуриятлари бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолда;

шерик унда судланганлиги олиб ташланмаган ёки судланганлик ҳолати тугалланмаган ҳолат келиб чиқишига олиб келадиган жиноят содир этганликда айбдор деб топилганлиги тўғрисидаги суднинг ҳукми қонуний кучга кирганида;

шерик томонидан фирма шериклигига қабул қилинаётганида ўзи тўғрисида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотлар берилган ҳолда;

шерикнинг адвокат мақоми тугатилган ҳолда.

Шерикни фирмадан чиқариш қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асослар бўйича ҳам амалга оширилиши мумкин.

Шерикни фирмадан чиқариш тўғрисидаги қарор Адвокатлик фирмаси шерикларининг йиғилиши томонидан қабул қилинади.

20. Шериклар ўртасидаги муносабатлар Фирманинг шериклик шартномаси ва мазкур Устав билан тартибга солинади.

#### IV. Шерикларнинг фирма фаолиятида иштирок этиши

21. Шериклар фирма фаолиятида:

жисмоний ва юридик шахсларга юридик ёрдам кўрсатишда;

фирманинг раҳбар органлари ишида;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг тайинловига биноан навбатчилик жадвалига мувофиқ жиноят ишларида;

белгиланган тартибда адвокатларнинг стажёрларини тайёрлашда;

шерикларнинг тергов ва суд амалиёти, адвокатлик ҳимояси амалиёти билан боғлиқ мураккаброқ масалаларни, шунингдек, ҳуқуқни қўллаш амалиётининг бошқа масалаларини муҳокама қилиш мақсадига қаратилган кенгашларида;

фирмадаги шериклари ўртасида адвокатлар ишидаги ижобий тажрибани тарқатишда;

фирма фаолияти билан боғлиқ бошқа ишларда қатнашиш йўли билан иштирок этадилар.

22. Ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) билан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битим (шартнома) ва бошқа келишувлар бошқарувчи шерик ёки барча



шериклар номидан улар берган ишончномалар асосида бошқа шерик томонидан тузилади ва фирма хужжатларида рўйхатдан ўтказилади. Ишончномаларда ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) ва учинчи шахслар билан битимлар (шартномалар) ҳамда келишувлар тузаётган шерик ваколатларининг барча чекловлари (битимларнинг тури, суммалари ва бошқа шу кабиларга нисбатан) кўрсатилади. Мазкур чекловлар ишонч билдирувчи шахсларга (ҳимоя остидаги шахслар) ва учинчи шахслар эътиборига уларни юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битимларда (шартномаларда) кўрсатиш йўли билан етказилади.

Барча шериклар номидан ҳаракат қилаётган шерик ваколатларининг ҳамма чекловлари барча шериклар томонидан имзоланган, барча битимларга (шартномаларга) ва келишувларга нисбатан амал қиладиган битта ишончномада расмийлаштирилади. Зарурат бўлганда, ишончнома ҳар бир битим (шартнома) ва бошқа келишув тузилаётганда расмийлаштирилиши мумкин.

## V. Шерикларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

### 23. Шериклар:

- фирма фаолияти билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинаётганда иштирок этиш;
- фирма ишини яхшилаш бўйича таклифлар киритиш;
- фирманинг раҳбар органларига сайлаш ва сайланиш;
- фирма фаолияти тўғрисида ахборот олиш, хужжатлар билан, шу жумладан, фирманинг молиявий фаолияти билан боғлиқ хужжатлар билан танишиш;
- фирма таркибидан чиқиш;
- фирма таркибидан чиққанида, шерик томонидан фирма мулки қилиб топширилган мол-мулк қиймати доирасида унинг мол-мулкининг бир қисмини ёки ана шу мол-мулк қийматини олиш, ҳар ойлик тўловлар бундан мустасно;
- фирма тугатилганида, шерик томонидан фирма мулки қилиб топширилган мол-мулк қиймати доирасида фирманинг кредиторлар билан ҳисоб-китоблар қилинганидан кейин қолган мол-мулкининг бир қисмини ёки ана шу мол-мулк қийматини олиш ҳуқуқига эга.

Шериклар қонун хужжатларига, фирманинг Шериклик шартномасига ва мазкур Уставга мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Умумий масалаларни ҳал этишда шерикларнинг ҳуқуқлари тенг ва улар киритган мулк улушга, адвокатлик фаолияти стажига ҳамда бошқа шартларга боғлиқ бўлмайди.

### 24. Шериклар:

- Фирманинг шериклик шартномаси ва мазкур Устав талабларига риоя этишлари ҳамда уларни бажаришлари;
- фирманинг фаолиятида фаол иштирок этишлари;
- фирма раҳбар органларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорларини ижро этишлари;
- фирма таъминоти учун ҳар ойлик тўловларни ўз вақтида тўлашлари;
- фирма фаолияти тўғрисидаги махфий ахборотни ошкор қилмасликлари шарт.

Шериклар қонун хужжатларига, Фирманинг шериклик шартномасига ва мазкур Уставга мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам бажарадилар.

25. Шерикларга бошқа адвокатлик тузилмасида адвокатлик фаолиятини амалга ошириш тақиқланади.

## VI. Фирманинг раҳбар органлари

26. Адвокатлик фирмаси Шерикларининг йиғилиши (бундан кейинги ўринларда Шериклар йиғилиши деб юритилади) фирманинг олий органидир.

Фирманинг умумий ишларини юритишни (фаолиятига жорий раҳбарликни) бошқарувчи шерик амалга оширади.

Шериклар йиғилишининг қарори билан бошқарувчи шерикнинг ўринбосар(лар)и сайланиши мумкин.

Фирманинг молия-хўжалик фаолияти устидан назоратни амалга ошириш учун Шериклар йиғилишининг қарори билан шериклар орасидан фирманинг тафтишчиси (тафтиш комиссияси) сайланиши мумкин.

27. Шериклар йиғилишининг мутлақ ваколатларига қуйидагилар киради:

фирма фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш;

фирма Уставини тасдиқлаш, шунингдек, унга ҳамда Фирманинг шериклик шартномасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

ички меҳнат тартиби қоидаларини ва бошқа локал ҳужжатларни тасдиқлаш;

фирма тузилмасини, харажатлар сметасини, ходимларнинг штатлари ва иш ҳақи миқдорларини тасдиқлаш;

бошқарувчи шерикни, унинг ўринбосарларини сайлаш ва лавозимдан озод қилиш (шу жумладан мuddатидан олдин озод қилиш);

аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

фирмага шерикларни қабул қилиш ва чиқариш;

фирма таъминоти учун ҳар ойлик тўловларнинг миқдорини белгилаш;

юримдик ёрдам кўрсатиш учун ҳақ тўлаш шакллариини белгилаш;

фирмани қайта ташкил этиш ва тугатиш.

Шериклар йиғилиши фирма фаолияти билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқиши мумкин.

28. Шериклар йиғилишининг мутлақ ваколатларига киритилган масалалар бошқарувчи шерикка ҳал этиши учун берилиши мумкин эмас.

29. Шериклар йиғилиши, агар унда жами шерикларнинг камида учдан икки қисми иштирок этса, ваколатли (кворумга эга) ҳисобланади.

30. Шахсларни фирма шериклигига қабул қилишга, фирманинг Шериклик шартномасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга доир масалалар бўйича Шериклар йиғилиши қарорлари бир овоздан, фирма фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш, фирманинг Уставини тасдиқлаш, унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, фирмани қайта ташкил этиш ва тугатиш билан боғлиқ масалалар бўйича тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик овоз билан, бошқа масалалар бўйича эса, Шериклар йиғилишида иштирок этаётган шерикларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Фирманинг ҳар бир шериги Шериклар йиғилишида битта овозга эга.

Шерикни фирмадан чиқариш масаласи бўйича қарор ушбу шерикнинг овози ҳисобга олинмаган ҳолда Шериклар йиғилиши томонидан қабул қилинади.

31. Шериклар йиғилиши бошқарувчи шерик томонидан заруратга қараб, аммо йилига камида бир марта чақирилади. Шериклар йиғилиши барча шерикларнинг камида учдан икки қисми ташаббусига кўра ҳам чақирилиши мумкин.

32. Шериклар йиғилишининг қарорлари баённомалар билан расмийлаштирилади.

33. Бошқарувчи шерик Шериклар йиғилиши томонидан \_\_\_\_ йил муддатга сайланади.

34. Бошқарувчи шерик:

фирмани самарали ишлашини таъминлайди;

фирма номидан иш юритади ва уни ишончномасиз ифода этади;

хўжалик, фуқаровий-ҳуқуқий ва бошқа шартномалар тузади;

фирманинг ходимлари, шу жумладан, шериклар, адвокатларнинг стажёрлари ва ёрдамчилари билан меҳнат шартномалари (контрактлар) тузади ва бекор қилади;

Шериклар йиғилиши қарорларининг ижросини таъминлайди;

адвокат томонидан ишни олиб боришга ордер бланкалари ҳисобини юритади, сақланилишини ва мақсадли фойдаланилишини таъминлайди;

адвокат томонидан ишни олиб боришга ордерни имзолайди ва беради;

буйруқлар, фармойишлар ва бошқа локал ҳужжатлар чиқаради;

фирманинг шериклари томонидан ўз касбий билимларини доимий равишда такомиллаштирилиб боришлари ва адвокатларнинг стажёрларини тайёрлашлари устидан назоратни амалга оширади;

қонун ҳужжатларига, Шериклик шартномаси ва мазкур Уставга мувофиқ фирманинг фаолияти билан боғлиқ ва Шериклар йиғилишининг мутлақ ваколатларига киритилмаган масалалар бўйича бошқа қарорлар қабул қилади.

Бошқарувчи шерик Шериклар йиғилишига ҳисобдордир.

35. Бошқарувчи шерик фирманинг Шериклик шартномасида, фирманинг шериклари томонидан бериладиган ишончномаларда ва мазкур Уставда белгиланган ўзининг ваколатлари доирасидан чиққан ҳолда қабул қилган қарорлари бўйича шахсан, шу жумладан моддий жавоб беради.

## **VII. Фирманинг мол-мулки.**

### **Юридик ёрдам кўрсатиш учун тўланадиган ҳақ**

36. Фирманинг мол-мулки бино, хона, транспорт воситалари, мебель ва бошқа жиҳозлар, техника воситалари, пул маблағлари ва бошқа мол-мулкдан иборатдир.

37. Фирма мол-мулкни шакллантириш манбалари қуйидагилардир:

фирма мулки қилиб унинг шериклар томонидан топширилган мол-мулк;

фирмага унинг шериклари томонидан ҳар ойлик тўланадиган тўловлар;

фаолият давомида эга бўлинган мол-мулк;

қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа маблағлар.

38. Фирманинг Шериклик шартномасига мувофиқ фирманинг дастлабки мол-мулкни шакллантириш учун унинг шериклари мулкий улушлар киритади.

39. Фирманинг Шериклик шартномасида кўрсатилган муддатларда мулкий улушларини киритмаган шериклар фирмадан чиқарилишлари мумкин.

40. Шерикларнинг мулкый улушлари ҳисобига вужудга келган, шунингдек, фирма ташкил этилиши ва фаолияти давомида у томонидан эга бўлинган ёки олинган мол-мулк мулк ҳуқуқи асосида фирмага тегишли.

Шерикнинг мулкый улушини пул билан баҳолаш шериклар ўртасидаги келишув бўйича амалга оширилади.

41. Ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) томонидан шерикларга тўланадиган ҳақ ва шериклар томонидан топшириқни бажариш билан боғлиқ харажатларини компенсация қилиш юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битимда (шартномада) назарда тутилган тартиб ҳамда муддатларда фирма кассасига кириш қилиниши ёки фирманинг банкдаги ҳисобварағига ўтказилиши шарт.

Фирма томонидан юридик ёрдам кўрсатганлик учун ҳақ тўлашнинг куйидаги шакллари белгиланиши мумкин: соатбай, ҳар ойлик, муайян бажарилган ҳажм учун ва бошқа.

42. Фирманинг таъминоти, ривожланиши ва унинг ўз зиммасига юклатилган вазифаларни самарали бажарилиши мақсадида ҳар бир шерик ҳар ойда фирмага \_\_\_\_\_ сўм миқдорида тўловларни тўлайди.

Юридик ёрдам кўрсатиш учун ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) томонидан шерикларга тўланадиган ҳақнинг суммалари қонун ҳужжатларига мувофиқ солиққа тортилади. Солиққа тортилиш шерикларнинг солиқ агенти ҳисобланган фирма томонидан амалга оширилади.

Ишонч билдирувчи шахсларга (ҳимоя остидаги шахсларга) юридик ёрдам кўрсатиш учун шериклар томонидан олинган уларнинг пул маблағларининг қолдиқлари ҳар ой охирида бирлаштирилади ва уларни шериклар ўртасида тақсимланиши тенг улушларда амалга оширилади. Шериклар йиғилиши томонидан шериклар ўртасида маблағларни тақсимлашининг бошқа тартиби, шу жумладан, пул улушларининг миқдорида ёки шерикнинг фирма фаолиятидаги шахсий иштирокига қараб ҳам белгиланиши мумкин.

43. Фирманинг пул маблағлари фирмани моддий-техника жиҳатидан жиҳозлашга, ходимлар, шу жумладан, адвокатларнинг стажёрлари ва ёрдамчилари меҳнатига ҳақ тўлашга ҳамда фирманинг устав мақсадлари ва вазифаларини бажариш билан боғлиқ бошқа мақсадларга сарфланади.

### VIII. Фирманинг фаолиятини тугатиш

44. Фирмани қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларига, Шериклик шартномаси ва мазкур Уставга мувофиқ амалга оширилади.

45. Фирмани қайта ташкил этиш Шериклар йиғилишининг қарорига биноан амалга оширилади.

46. Фирмани тугатиш Шериклар йиғилишининг ёки хўжалик судининг қарорига биноан амалга оширилади.

47. Фирма ихтиёрий тугатилганида Шериклар йиғилиши фирмани тугатиш тўғрисида қарор қабул қилади, тугатувчини тайинлайди ҳамда тугатиш тартиби ва муддатларини қонун ҳужжатларига мувофиқ белгилайди.

**IX. Яқунловчи қоидалар**

48. Фирма ўз фаолияти натижаларини ҳисобини олиб боради ва белгиланган тартибда тегишли ташкилотларга ҳисоботлар тақдим этади.

49. Фирманинг Шериклик шартномаси ва мазкур Устав мос келмаган ҳолда Устав қоидалари учинчи шахслар ва шериклар учун устувор кучга эга бўлади.

## АДВОКАТЛИК ФИРМАСИНИНГ НАМУНАВИЙ ШЕРИКЛИК ШАРТНОМАСИ

Тошкент шаҳри

20 \_\_\_\_ йил “ \_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_

Биз, \_\_\_\_\_ да

(адлия органининг номи)

давлат рўйхатидан ўтказилган “ \_\_\_\_\_ ” адвокатлик фирмасининг (бундан кейинги ўринларда фирма деб юритилади) адвокатлари:

\_\_\_\_\_, бундан кейин бошқарувчи шерик деб номланади;  
(Ф.И.О., адвокатлик гувоҳномасидаги маълумотлар)

\_\_\_\_\_, бундан кейин 2-сон шерик деб номланади;  
(Ф.И.О., адвокатлик гувоҳномасидаги маълумотлар)

\_\_\_\_\_, бундан кейин 3-сон шерик деб номланади;  
(Ф.И.О., адвокатлик гувоҳномасидаги маълумотлар)

\_\_\_\_\_, бундан кейин 4-сон шерик деб номланади;  
(Ф.И.О., адвокатлик гувоҳномасидаги маълумотлар)

.....  
ҳаммамиз биргаликда бундан буён шериклар деб номланувчилар, фирма Таъсис йиғилишининг 20 \_\_\_\_ “ \_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ даги қарорига ва Уставига мувофиқ мазкур Фирманинг шериклик шартномасини (бундан кейинги ўринларда Шериклик шартномаси деб юритилади) туздик.

### I. Шериклик шартномасининг предмети

1. Шериклар барча шериклар номидан юридик ёрдам кўрсатиш учун ўз саъй-ҳаракатларини бирлаштириш мажбуриятини оладилар.

2. Мазкур Шериклик шартномаси шериклар томонидан қарорлар қабул қилиниши, бошқарувчи шерикни сайлаш тартиби, унинг ваколатлари ва бошқа муҳим шартларни белгилайди.

### II. Шерикларнинг фирма фаолиятида иштирок этиши

3. Шериклар фирма фаолиятида:

жисмоний ва юридик шахсларга юридик ёрдам кўрсатишда;

фирманинг раҳбар органлари ишида;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг тайинловига биноан навбатчилик жадвалига мувофиқ жинойт ишларида;

белгиланган тартибда адвокатларнинг стажёрларини тайёрлашда;

шерикларнинг тергов ва суд амалиёти, адвокатлик ҳимояси амалиёти билан боғлиқ мураккаброқ масалаларни, шунингдек, ҳуқуқни қўллаш амалиётининг бошқа масалаларини муҳокама қилиш мақсадига қаратилган кенгашларида;

фирмадаги шериклари ўртасида адвокатлар ишидаги ижобий тажрибани тарқатишда;

фирма фаолияти билан боғлиқ бошқа ишларда қатнашиш йўли билан иштирок этадилар.

4. Ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) билан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битим (шартнома) ва бошқа келишувлар бошқарувчи шерик ёки барча шериклар номидан улар берган ишончномалар асосида бошқа шерик томонидан тузилади ва фирма ҳужжатларида рўйхатдан ўтказилади. Ишончномаларда ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) ва учинчи шахслар билан битимлар (шартномалар) ҳамда келишувлар тузаётган шерик ваколатларининг барча чекловлари (битимларнинг тури, суммалари ва бошқа шу кабиларга нисбатан) кўрсатилади. Мазкур чекловлар ишонч билдирувчи шахсларга (ҳимоя остидаги шахслар) ва учинчи шахслар эътиборига уларни юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битимларда (шартномаларда) кўрсатиш йўли билан етказилади.

Барча шериклар номидан ҳаракат қилаётган шерик ваколатларининг ҳамма чекловлари барча шериклар томонидан имзоланган, барча битимларга (шартномаларга) ва келишувларга нисбатан амал қиладиган битта ишончномада расмийлаштирилади. Зарурат бўлганда, ишончнома ҳар бир битим (шартнома) ва бошқа келишув тузилаётганда расмийлаштирилиши мумкин.

5. Шерик томонидан мазкур Шериклик шартномаси бўйича мажбуриятлар бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолда, у бундай хатти-ҳаракатлари билан бошқа шерикларга етказган зарарларни қоплаши шарт.

### III. Шерикларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

6. Шериклар ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларига ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ва унинг ҳудудий бошқармалари қарорларига, Адвокатларнинг касб этикаси қоидаларига, Фирма устави ва мазкур Шериклик шартномасига амал қилади.

#### 7. Шериклар:

фирма фаолияти билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинаётганда иштирок этиш;  
 фирма ишини яхшилаш бўйича таклифлар киритиш;  
 фирманинг раҳбар органларига сайлаш ва сайланиш;  
 фирма фаолияти тўғрисида ахборот олиш, ҳужжатлар билан, шу жумладан, фирманинг молиявий фаолияти билан боғлиқ ҳужжатлар билан танишиш;  
 фирма таркибидан чиқиш;

фирма таркибидан чиққанида, шерик томонидан фирма мулки қилиб топширилган мол-мулк қиймати доирасида унинг мол-мулкининг бир қисмини ёки ана шу мол-мулк қийматини олиш, ҳар ойлик тўловлар бундан мустасно;

фирма тугатилганида, шерик томонидан фирма мулки қилиб топширилган мол-мулк қиймати доирасида фирманинг кредиторлар билан ҳисоб-китоблар қилинганидан кейин қолган мол-мулкининг бир қисмини ёки ана шу мол-мулк қийматини олиш ҳуқуқига эга.

Шериклар қонун ҳужжатларига, фирманинг Уставига ва мазкур Шериклик шартномасига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Умумий масалаларни ҳал этишда шерикларнинг ҳуқуқлари тенг ва улар киритган мулкий улушга, адвокатлик фаолияти стажига ҳамда бошқа шартларга боғлиқ бўлмайди.

#### 8. Шериклар:

Фирманинг Устави ва мазкур Шериклик шартномаси талабларига риоя этишлари ҳамда уларни бажаришлари;

фирманинг фаолиятида фаол иштирок этишлари;

фирма раҳбар органларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорларини ижро этишлари;

фирма таъминоти учун ҳар ойлик тўловларни ўз вақтида тўлашлари;

фирма фаолияти тўғрисидаги махфий ахборотни ошкор қилмасликлари шарт.

Шериклар қонун ҳужжатларига, Фирманинг Уставига ва мазкур Шериклик шартномасига мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам бажарадилар.

9. Шерикларга бошқа адвокатлик тузилмасида адвокатлик фаолиятини амалга ошириш тақиқланади.

### IV. Фирманинг раҳбар органлари

10. Адвокатлик фирмаси Шерикларининг йиғилиши (бундан кейинги ўринларда Шериклар йиғилиши деб юритилади) фирманинг олий органидир.

Фирманинг умумий ишларини юритишни (фаолиятига жорий раҳбарликни) бошқарувчи шерик амалга оширади.

Шериклар йиғилишининг қарори билан бошқарувчи шерикнинг ўринбосар(лар)и сайланиши мумкин.

Фирманинг молия-хўжалик фаолияти устидан назоратни амалга ошириш учун Шериклар йиғилишининг қарори билан шериклар орасидан фирманинг тафтишчиси (тафтиш комиссияси) сайланиши мумкин.

11. Шериклар йиғилишининг мутлақ ваколатларига қуйидагилар киради:

фирма фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш;

фирма Уставини тасдиқлаш, шунингдек, унга ҳамда Фирманинг шериклик шартномасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

ички меҳнат тартиби қоидаларини ва бошқа локал ҳужжатларни тасдиқлаш;

фирма тузилмасини, харажатлар сметасини, ходимларнинг штатлари ва иш ҳақи миқдорларини тасдиқлаш;

бошқарувчи шерикни, унинг ўринбосарларини сайлаш ва лавозимдан озод қилиш (шу жумладан муддатидан олдин озод қилиш);



аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш;  
 фирмага шерикларни қабул қилиш ва чиқариш;  
 фирма таъминоти учун ҳар ойлик тўловларнинг миқдорини белгилаш;  
 юридик ёрдам кўрсатиш учун ҳақ тўлаш шаклларини белгилаш;  
 фирмани қайта ташкил этиш ва тугатиш.

Шериклар йиғилиши фирма фаолияти билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқиши мумкин.

12. Шериклар йиғилишининг мутлақ ваколатларига киритилган масалалар бошқарувчи шерикка ҳал этиши учун берилиши мумкин эмас.

13. Шериклар йиғилиши, агар унда жами шерикларнинг камида учдан икки қисми иштирок этса, ваколатли (кворумга эга) ҳисобланади.

14. Шахсларни фирма шериклигига қабул қилишга, фирманинг Шериклик шартномасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга доир масалалар бўйича Шериклар йиғилиши қарорлари бир овоздан, фирма фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш, фирманинг Уставини тасдиқлаш, унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, фирмани қайта ташкил этиш ва тугатиш билан боғлиқ масалалар бўйича тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик овоз билан, бошқа масалалар бўйича эса, Шериклар йиғилишида иштирок этаётган шерикларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Фирманинг ҳар бир шериги Шериклар йиғилишида битта овозга эга.

Шерикни фирмадан чиқариш масаласи бўйича қарор ушбу шерикнинг овози ҳисобга олинмаган ҳолда Шериклар йиғилиши томонидан қабул қилинади.

15. Шериклар йиғилиши бошқарувчи шерик томонидан заруратга қараб, аммо йилига камида бир марта чақирилади. Шериклар йиғилиши барча шерикларнинг камида учдан икки қисми ташаббусига кўра ҳам чақирилиши мумкин.

16. Шериклар йиғилишининг қарорлари баённомалар билан расмийлаштирилади.

17. Бошқарувчи шерик Шериклар йиғилиши томонидан \_\_\_\_ йил муддатга сайланади. Бошқарувчи шерик билан меҳнат шартномасини фирма номидан Шериклар йиғилиши томонидан ваколат берган шериклардан бири тузади.

18. Бошқарувчи шерик:

фирмани самарали ишлашини таъминлайди;

фирма номидан иш юритади ва уни ишончномасиз ифода этади;

хўжалик, фуқаровий-ҳуқуқий ва бошқа шартномалар тузади;

фирманинг ходимлари, шу жумладан, шериклар, адвокатларнинг стажёрлари ва ёрдамчилари билан меҳнат шартномалари (контрактлар) тузади ва бекор қилади;

Шериклар йиғилиши қарорларининг ижросини таъминлайди;

адвокат томонидан ишни олиб боришга ордер бланкалари ҳисобини юритади, сақланилишини ва мақсадли фойдаланилишини таъминлайди;

адвокат томонидан ишни олиб боришга ордерни имзолайди ва беради;

буйруқлар, фармойишлар ва бошқа локал ҳужжатлар чиқаради;

фирманинг шериклари томонидан ўз касбий билимларини доимий равишда такомиллаштирилиб боришлари ва адвокатларнинг стажёрларини тайёрлашлари устидан назоратни амалга оширади;

қонун ҳужжатларига, Фирманинг Уставига ва мазкур Шериклик шартномасига мувофиқ фирманинг фаолияти билан боғлиқ ва Шериклар йиғилишининг мутлақ ваколатларига киритилмаган масалалар бўйича бошқа қарорлар қабул қилади.

Бошқарувчи шерик Шериклар йиғилишига ҳисобдордир.

19. Бошқарувчи шерик фирманинг Шериклик шартномасида, фирманинг шериклари томонидан бериладиган ишончномаларда ва мазкур Уставда белгиланган ўзининг ваколатлари доирасидан чиққан ҳолда қабул қилган қарорлари бўйича шахсан, шу жумладан моддий жавоб беради.

#### **·V. Шерикларнинг мулкӣ улушлари. Юридик ёрдам кўрсатиш учун тўланадиган ҳақ**

20. Фирманинг дастлабки мол-мулкани шакллантириш учун шериклар қуйидагича улушлар киритадилар:

1-сон шерик – \_\_\_\_\_ сўм миқдорида пул;

2-сон шерик – \_\_\_\_\_ сўмлик мебель (столлар, стуллар, шкафлар ва ҳоказо);

3-сон шерик – \_\_\_\_\_ сўмлик оргтехника (компьютер, принтер, сканер ва ҳоказо);

4-сон шерик – \_\_\_\_\_ да жойлашган

\_\_\_\_\_ сўмлик бинодан (хонадан) беғараз фойдаланиш ҳуқуқи.

21. Шерикнинг мулкӣ улушини пул билан баҳолаш шериклар ўртасидаги келишув бўйича амалга оширилади.

22. Мулкӣ улушларини мазкур Шериклик шартномаси кучга кирган кундан бошлаб бир ой ичида киритмаган шериклар фирмадан чиқарилишлари мумкин.

23. Ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) томонидан шерикларга тўланадиган ҳақ ва шериклар томонидан топширикни бажариш билан боғлиқ харажатларини компенсация қилиш юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битимда (шартномада) назарда тутилган тартиб ҳамда муддатларда фирма кассасига кирим қилиниши ёки фирманинг банкдаги ҳисобварағига ўтказилиши шарт.

24. Фирманинг таъминоти, ривожланиши ва унинг ўз зиммасига юклатилган вазифаларни самарали бажарилиши мақсадида ҳар бир шерик ҳар ойда фирмага \_\_\_\_\_ сўм миқдорида тўловларни тўлайди.

Юридик ёрдам кўрсатиш учун ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) томонидан шерикларга тўланадиган ҳақнинг суммалари қонун ҳужжатларига мувофиқ солиққа тортилади. Солиққа тортилиш шерикларнинг солиқ агенти ҳисобланган фирма томонидан амалга оширилади.

Ишонч билдирувчи шахсларга (ҳимоя остидаги шахсларга) юридик ёрдам кўрсатиш учун шериклар томонидан олинган уларнинг пул маблағларининг қолдиқлари ҳар ой охирида бирлаштирилади ва уларни шериклар ўртасида тақсимланиши тенг улушларда амалга оширилади. Шериклар йиғилиши томонидан шериклар ўртасида маблағларни тақсимлашнинг бошқа тартиби, шу жумладан, пул улушларининг миқдорида ёки шерикнинг фирма фаолиятидаги шахсий иштирокига қараб ҳам белгиланиши мумкин.

25. Фирманинг пул маблағлари фирмани моддий-техника жиҳатидан жиҳозлашга, ходимлар, шу жумладан, адвокатларнинг стажёрлари ва ёрдамчилари меҳнатига ҳақ

тўлашга ҳамда фирманинг устав мақсадлари ва вазифаларини бажариш билан боғлиқ бошқа мақсадларга сарфланади.

## VI. Шериклик шартномасининг тугатилиши

26. Мазкур Шериклик шартномаси унинг амал қилиш муддати тугаган ҳолда тугатилади.

Шериклардан бири бўлган адвокатнинг мақоми тугатилган ёки тўхтатиб турилган ҳолларда, мазкур Шериклик шартномаси шериклар ўртасида сақланиб қолади. Шериклардан бири томонидан мазкур Шериклик шартномасини бекор қилиш тўғрисида талаб қўйилган ҳолда Шериклик шартномаси бошқа шериклар ўртасида сақланиб, талаб қўйган шерик фирмадан чиқарилиши мумкин.

27. Шериклик шартномаси тугатилган пайтдан эътиборан унинг иштирокчилари ишонч билдирувчи шахсларга (ҳимоя остидаги шахсларга) ва учинчи шахсларга нисбатан ижро этилмаган умумий мажбуриятлар бўйича солидар тартибда жавобгар бўладилар.

28. Шериклардан бири мазкур Шериклик шартномасидан чиққанда у ўзи юридик ёрдам кўрсатган барча ишлар бўйича иш юритишни бошқарувчи шерикка топшириши шарт.

Шериклик шартномасидан чиққан адвокат мазкур Шериклик шартномасида ўзи иштирок этган даврда юзага келган умумий мажбуриятлар бўйича ишонч билдирувчи шахслар (ҳимоя остидаги шахслар) ва учинчи шахслар олдида жавобгар бўлади.

29. Шериклик шартномаси тугатилганидан кейин адвокатлар янги Шериклик шартномаси тузишлари шарт. Агар янги Шериклик шартномаси аввалги шериклик шартномасининг амал қилиши тугатилган кундан эътиборан бир ой ичида тузилмаса, адвокатлик фирмаси адвокалик тузилмасининг бошқа шаклига ўзгартирилиши ёки тугатилиши керак.

30. Шериклик шартномаси тугатилган пайтдан эътиборан ва адвокатлик фирмаси адвокатлик тузилмасининг бошқа шаклига ўзгартирилгунига қадар ёхуд янги Шериклик шартномаси тузилгунига қадар адвокатлар юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида битимлар (шартномалар) тузишга ҳақли эмас.

## VII. Яқунловчи қоидалар

31. Мазкур Шериклик шартномаси у имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

32. Мазкур Шериклик шартномасининг амал қилиш муддати \_\_\_ йил.

33. Мазкур Шериклик шартномаси кучга кирган кундан бошлаб уч кун ичида 3-сон шерик фирма номидан бошқарувчи шерик билан меҳнат шартномаси (контракт) тузади.

Мазкур Шериклик шартномаси кучга кирган кундан бошлаб бир ҳафта ичида бошқарувчи шерик қолган шериклар билан меҳнат шартномалари (контрактлар) тузади ва уларни ишга қабул қилиш тўғрисида буйруқлар чиқаради.

34. Мазкур Шериклик шартномасининг қоидаларига киритиладиган ҳар қандай ўзгартиришлар унга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки янги Шериклик шартномаси тузиш йўли билан расмийлаштирилади.

35. Шериклар ўртасида юзага келадиган келишмовчиликлар ва низолар ўзаро келишувга кўра ҳал этилади. Келишувга эришилмаган тақдирда, низолар суд тартибида ҳал этилади.

36. Мазкур Шериклик шартномасида назарда тутилмаган масалалар қонун ҳужжатлари ва Фирма устави билан тартибга солинади.

37. Фирманинг Устави ва мазкур Шериклик шартномаси қоидалари мос келмаган ҳолда Фирма Уставининг қоидалари учинчи шахслар ва шериклар учун устувор кучга эга бўлади.

38. Мазкур Шериклик шартномаси \_\_\_ нусхада тузилди, улар бир хил юридик кучга эга. Ҳар бир шерик биттадан нусха олади, битта нусха фирманинг Устави билан биргаликда фирмада сақланади.

Бошқарувчи шерикнинг \_\_\_\_\_  
(Ф.И.О., яшаш жойи ва почта манзили) (имзоси)

2-сон шерикнинг \_\_\_\_\_  
(Ф.И.О., яшаш жойи ва почта манзили) (имзоси)

3-сон шерикнинг \_\_\_\_\_  
(Ф.И.О., яшаш жойи ва почта манзили) (имзоси)

4-сон шерикнинг \_\_\_\_\_  
(Ф.И.О., яшаш жойи ва почта манзили) (имзоси)

## АДВОКАТЛАР ҲАЙЪАТИНИНГ НАМУНАВИЙ УСТАВИ

### I. Умумий қоидалар

1. “ \_\_\_\_\_ ” адвокатлар ҳайъати (бундан кейинги ўринларда ҳайъат деб юритилади) Ҳайъат таъсис йиғилишининг 20 \_\_\_\_ йил “ \_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ даги қарори билан таъсис этилган.

2. Қуйидагилар ҳайъат муассисларидир:

\_\_\_\_\_ томонидан \_\_\_\_\_ йил “ \_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ да  
(адлия органининг номи)  
берилган адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи \_\_\_\_\_ -сон  
лицензияга эга адвокат \_\_\_\_\_ ;

(Ф.И.О., Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортидаги маълумотлар)

\_\_\_\_\_ томонидан \_\_\_\_\_ йил “ \_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ да  
(адлия органининг номи)  
берилган адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи \_\_\_\_\_ -сон  
лицензияга эга адвокат \_\_\_\_\_ ;

(Ф.И.О., Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортидаги маълумотлар)

\_\_\_\_\_ томонидан \_\_\_\_\_ йил “ \_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ да  
(адлия органининг номи)  
берилган адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи \_\_\_\_\_ -сон  
лицензияга эга \_\_\_\_\_ ;

(Ф.И.О., Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортидаги маълумотлар)

\_\_\_\_\_ томонидан \_\_\_\_\_ йил “ \_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ да  
(адлия органининг номи)  
берилган адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи \_\_\_\_\_ -сон  
лицензияга эга \_\_\_\_\_ ;

(Ф.И.О., Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортидаги маълумотлар)

3. Ҳайъат адвокатларнинг аъзолигига асосланган, нотижорат ташкилоти бўлган адвокатлик тузилмасидир. Ҳайъат муассислари бир вақтнинг ўзида унинг аъзолари ҳисобланади.

Ҳайъат аъзоларининг сони ўнтадан кам бўлмаслиги керак.

4. Ҳайъат ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларига ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ва унинг ҳудудий бошқармалари қарорларига, Адвокатларнинг касб этикаси қоидаларига, Ҳайъатнинг таъсис шартномаси ва мазкур Уставга амал қилади.

5. Ҳайъат мол-мулкка, мустақил балансга, банкларда ҳисобварақларига ва ўз номи кўрсатилган муҳрга эгадир.

Ҳайъат ўз номи кўрсатилган эмблема, штамп ва бланкаларга эга бўлиши мумкин.

6. Ҳайъат ўз номидан мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқлар олишга ҳамда амалга оширишга, мажбуриятлар олишга, судда даъвогар ва жавобгар бўлишга ҳақли.

7. Ҳайъат ўз мажбуриятлари бўйича ўзининг бутун мол-мулки билан жавоб беради. Ҳайъат ўз аъзоларининг мажбуриятлари бўйича, аъзолар эса, ҳайъат мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

8. Ҳайъат белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб юридик шахс мақомига эга бўлади.

9. Ҳайъат номуайян муддатга тузилган.

10. Ҳайъатнинг номи:

давлат тилида: “\_\_\_\_\_” адвокатлар ҳайъати;

рус тилида: коллегия адвокатов “\_\_\_\_\_”.

11. Ҳайъат жойлашган ери (почта манзили): \_\_\_\_\_.

12. Ҳайъат юридик ёрдам кўрсатиш учун ўзи турган ердан ташқарида жойлашган филиаллар тузишга ҳақли.

## II. Ҳайъат фаолиятининг предмети, мақсади ва вазифалари

13. Ҳайъат фаолиятининг предмети унинг аъзолари томонидан адвокатлик фаолиятининг амалга оширилишидир.

14. Ҳайъат фаолиятининг мақсади жисмоний ва юридик шахсларга малакали юридик ёрдам кўрсатишдир.

15. Ҳайъатнинг асосий вазифалари қуйидагилардир:

жисмоний ва юридик шахсларга малакали юридик ёрдам кўрсатиш учун зарур шароитлар яратиш;

ҳайъат аъзолари ўз касбий билимларини доимий равишда такомиллаштириб боришлари учун тегишли шароитлар яратиш;

адвокатурани юқори малакали кадрлар билан тўлдириш учун адвокатлар стажёрларини тайёрлаш.

## III. Ҳайъатда аъзолик

16. Адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган ва адвокат қасамёдини қабул қилган шахслар, шунингдек бошқа адвокатлик тузилмаларида ишлаётган адвокатлар ҳайъатга аъзо сифатида қабул қилинади.

17. Ҳайъат аъзолигига қабул қилиш тўғрисидаги қарор Адвокатлар ҳайъатининг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

Ишга қабул қилиш ҳайъат бошқарувчисининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

Ҳайъат аъзосининг меҳнат шароитлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиладиган меҳнат шартномаси (контракт) билан белгиланади.

Ҳайъат унинг аъзоси учун асосий иш жойидир.

18. Бошқа адвокатлик тузилмасида ишлаётган адвокат ҳайъат аъзолигига қабул қилинганидан кейин уни ана шу тузилмадан чиқариш белгиланган тартибда амалга оширилади.

19. Ҳайъат аъзолари ҳайъатни камида уч ой олдин хабардор қилиб, истаган вақтда унинг таркибидан чиқишга ҳақли.

20. Ҳайъат аъзоси ҳайъат таркибидан чиқарилади ва у билан меҳнат шартномаси (контракт) бекор қилинади:

ҳайъат аъзосининг аризасига биноан;

ҳайъат аъзосини муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топиш тўғрисидаги суднинг қарори қонуний кучга кирганда;

ҳайъат аъзоси томонидан адвокатнинг шаъни ва қадр-қимматига доғ туширадиган ҳамда адвокатуранинг обрўсини туширадиган қилмиш содир этилган ҳолда;

ҳайъат аъзоси томонидан ўз мажбуриятлари бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолда;

ҳайъат аъзоси унда судланганлиги олиб ташланмаган ёки судланганлик ҳолати тугалланмаган ҳолат келиб чиқишига олиб келадиган жиноят содир этганликда айбдор деб топилганлиги тўғрисидаги суднинг ҳукми қонуний кучга кирганда;

ҳайъат аъзоси томонидан ҳайъат аъзоллигига қабул қилинаётганда ўзи тўғрисида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотлар берилган ҳолда;

ҳайъат аъзосининг адвокат мақоми тугатилган ҳолда.

Ҳайъат аъзосини ҳайъатдан чиқариш қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асослар бўйича ҳам амалга оширилиши мумкин.

Ҳайъат аъзосини ҳайъатдан чиқариш тўғрисидаги қарор Адвокатлар ҳайъатининг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

#### **IV. Ҳайъат аъзоларининг ҳайъат фаолиятида иштирок этиши**

21. Ҳайъат аъзолари ҳайъат фаолиятида:

жисмоний ва юридик шахсларга юридик ёрдам кўрсатишда;

ҳайъатнинг раҳбар органлари ишида;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг тайинловига биноан навбатчилик жадвалига мувофиқ жиноят ишларида;

белгиланган тартибда адвокатларнинг стажёрларини тайёрлашда;

ҳайъат аъзоларининг тергов ва суд амалиёти, адвокатлик ҳимояси амалиёти билан боғлиқ мураккаброқ масалаларни, шунингдек, ҳуқуқни қўллаш амалиётининг бошқа масалаларини муҳокама қилиш мақсадига қаратилган кенгашларида;

ҳайъат аъзолари ўртасида адвокатлар ишидаги ижобий тажрибани тарқатишда;

ҳайъат фаолияти билан боғлиқ бошқа ишларда қатнашиш йўли билан иштирок этадилар.

22. Юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битим (шартнома) ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) билан адвокат ўртасида тузилади ва ҳайъат ҳужжатларида рўйхатдан ўтказилади.

#### **V. Ҳайъат аъзоларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари**

23. Ҳайъат аъзолари:

ҳайъат фаолияти билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинаётганда иштирок этиш;

хайъат ишини яхшилаш бўйича таклифлар киритиш;  
хайъатнинг раҳбар органларига сайлаш ва сайланиш;  
хайъат фаолияти тўғрисида ахборот олиш, ҳужжатлар билан, шу жумладан,  
хайъатнинг молиявий фаолияти билан боғлиқ ҳужжатлар билан танишиш;

хайъат таркибидан чиқиш;  
хайъат таркибидан чиққанида, хайъат аъзоси томонидан хайъат мулки қилиб  
топширилган мол-мулк қиймати доирасида унинг мол-мулкининг бир қисмини ёки ана шу  
мол-мулк қийматини олиш, аъзолик бадаллари бундан мустасно;

хайъат тугатилганида, хайъат аъзоси томонидан хайъат мулки қилиб топширилган  
мол-мулк қиймати доирасида хайъатнинг кредиторлар билан ҳисоб-китоблар қилингандан  
кейин қолган мол-мулкининг бир қисмини ёки ана шу мол-мулк қийматини олиш  
ҳуқуқига эга.

Хайъат аъзолари қонун ҳужжатларига, хайъатнинг Таъсис шартномасига ва мазкур  
Уставга мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Умумий масалаларни ҳал этишда хайъат аъзоларининг ҳуқуқлари тенг ва улар  
киритган мулкӣ улушга, адвокатлик фаолияти стажига ҳамда бошқа шартларга боғлиқ  
бўлмайди.

#### 24. Хайъат аъзолари:

Хайъатнинг таъсис шартномаси ва мазкур Устав талабларига риоя этишлари ҳамда  
уларни бажаришлари;

хайъатнинг фаолиятида фаол иштирок этишлари;

хайъат раҳбар органларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорларини  
ижро этишлари;

аъзолик бадалларини ўз вақтида тўлашлари;

хайъат фаолияти тўғрисидаги махфий ахборотни ошкор қилмасликлари шарт.

Хайъат аъзолари қонун ҳужжатларига, Хайъатнинг таъсис шартномасига ва мазкур  
Уставга мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам бажарадилар.

25. Хайъат аъзоларига бошқа адвокатлик тузилмасида адвокатлик фаолиятини  
амалга ошириш тақиқланади.

## VI. Хайъатнинг раҳбар органлари

26. Адвокатлар хайъати аъзоларининг умумий йиғилиши (бундан кейинги  
ўринларда Умумий йиғилиш деб юритилади) хайъатнинг олий органидир.

Хайъатнинг фаолиятига жорий раҳбарликни бошқарувчи амалга оширади.

Умумий йиғилишнинг қарори билан бошқарувчининг ўринбосар(лар)и сайланиши  
мумкин.

Хайъатнинг молия-хўжалик фаолияти устидан назоратни амалга ошириш учун  
Умумий йиғилишнинг қарори билан хайъатнинг тафтиш комиссияси (тафтишчиси)  
тузилиши мумкин.

27. Умумий йиғилишнинг мутлақ ваколатларига қуйидагилар киради:

хайъат фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш;

хайъат Уставини тасдиқлаш, шунингдек унга ҳамда Хайъатнинг таъсис  
шартномасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;



ички меҳнат тартиби қоидаларини ва бошқа локал ҳужжатларни тасдиқлаш;  
 ҳайъат тузилмасини, ҳаражатлар сметасини, ходимларининг штатлари ва иш ҳақи миқдорларини тасдиқлаш;

бошқарувчини, унинг ўринбосарларини сайлаш ва лавозимдан озод қилиш (шу жумладан муддатидан олдин озод қилиш);

аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

ҳайъатга аъзоларни қабул қилиш ва чиқариш;

аъзолик бадалларининг миқдорини белгилаш;

юримдик ёрдам кўрсатиш учун ҳақ тўлаш шаклларини белгилаш;

ҳайъат филиалларини ташкил этиш ва фаолиятини тугатиш;

ҳайъатни қайта ташкил этиш ва тугатиш.

Умумий йиғилиш ҳайъат фаолияти билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқиши мумкин.

28. Умумий йиғилишнинг мутлақ ваколатларига киритилган масалалар бошқарувчига ҳал этиши учун берилиши мумкин эмас.

29. Умумий йиғилиш, агар унда жами аъзоларнинг камида учдан икки қисми иштирок этса, ваколатли (кворумга эга) ҳисобланади.

30. Ҳайъатнинг Таъсис шартномасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга доир масалалар бўйича Умумий йиғилиш қарорлари бир овоздан, ҳайъат фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш, ҳайъат Уставини тасдиқлаш, унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, ҳайъатни қайта ташкил этиш ва тугатиш билан боғлиқ масалалар бўйича Умумий йиғилиш қарорлари ҳайъат аъзоларининг тўртдан уч қисмдан иборат кўпчилик овози билан, бошқа масалалар бўйича эса, Умумий йиғилишда иштирок этаётганларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Ҳайъатнинг ҳар бир аъзоси Умумий йиғилишда битта овозга эга.

Ҳайъат аъзосини ҳайъатдан чиқариш масаласи бўйича қарор ушбу аъзонинг овози ҳисобга олинмаган ҳолда Умумий йиғилиш томонидан қабул қилинади.

31. Умумий йиғилиш бошқарувчи томонидан заруратга қараб, аммо йилига камида бир марта чақирилади. Умумий йиғилиш барча ҳайъат аъзоларининг камида учдан икки қисми ташаббусига кўра ҳам чақирилиши мумкин.

32. Умумий йиғилишнинг қарорлари баённомалар билан расмийлаштирилади.

33. Бошқарувчи Умумий йиғилиш томонидан \_\_\_\_ йил муддатга сайланади.

34. Бошқарувчи:

ҳайъатни самарали ишлашини таъминлайди;

ҳайъат номидан иш юритади ва уни ишончномасиз ифода этади;

хўжалик, фуқаровий-ҳуқуқий ва бошқа шартномалар тузади;

ҳайъатнинг ходимлари, шу жумладан, ҳайъат аъзолари, адвокатларнинг стажёрлари ва ёрдамчилари билан меҳнат шартномалари (контрактлар) тузади ва бекор қилади;

ҳайъат филиаллари раҳбарларини тайинлайди ва лавозимдан озод қилади;

Умумий йиғилиш қарорларининг ижросини таъминлайди;

адвокат томонидан ишни олиб боришга ордер бланкалари ҳисобини юритади, сақланилишини ва мақсадли фойдаланилишини таъминлайди;

адвокат томонидан ишни олиб боришга ордерни имзолайди ва беради;

буйруқлар, фармойишлар ва бошқа локал ҳужжатлар чиқаради;

хайъат аъзолари томонидан ўз касбий билимларини доимий равишда такомиллаштирилиб боришлари ва адвокатларнинг стажёрларини тайёрлашлари устидан назоратни амалга оширади;

қонун ҳужжатларига, Ҳайъатнинг таъсис шартномаси ва мазкур Уставга мувофиқ хайъатнинг фаолияти билан боғлиқ ва Умумий йиғилишнинг мутлақ ваколатларига киритилмаган масалалар бўйича бошқа қарорлар қабул қилади.

Бошқарувчи Умумий йиғилишга ҳисобдордир.

35. Бошқарувчи хайъатнинг Таъсис шартномасида ва мазкур Уставда белгиланган ўзининг ваколатлари доирасидан чиққан ҳолда қабул қилган қарорлари бўйича шахсан, шу жумладан, моддий жавоб беради.

## **VII. Ҳайъатнинг мол-мулки.**

### **Юридик ёрдам кўрсатиш учун тўланадиган ҳақ**

36. Ҳайъатнинг мол-мулки бино, хона, транспорт воситалари, мебель ва бошқа жиҳозлар, техника воситалари, пул маблағлари ва бошқа мол-мулкдан иборатдир.

37. Ҳайъат мол-мулкни шакллантириш манбалари қуйидагилардир:

хайъат мулки қилиб унинг аъзолари томонидан топширилган мол-мулк;

хайъатга унинг аъзолари томонидан тўланадиган ҳар ойлик аъзолик бадаллари;

фаолият давомида эга бўлинган мол-мулк;

қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа маблағлар.

38. Ҳайъатнинг Таъсис шартномасига мувофиқ хайъатнинг дастлабки мол-мулкни шакллантириш учун унинг аъзолари мулкий улушлар киритади.

39. Ҳайъатнинг Таъсис шартномасида кўрсатилган муддатларда мулкий улушларини киритмаган муассислар хайъатдан чиқарилишлари мумкин.

40. Ҳайъат аъзоларининг мулкий улушлари ҳисобига вужудга келган, шунингдек, хайъат ташкил этилиши ва фаолияти давомида у томонидан эга бўлинган ёки олинган мол-мулк мулк ҳуқуқи асосида хайъатга тегишли.

Ҳайъат аъзосининг мулкий улушини пул ҳисобида баҳолаш хайъат аъзолари ўртасидаги келишув бўйича амалга оширилади.

41. Ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) томонидан хайъат аъзосига тўланадиган ҳақ ва хайъат аъзосининг топшириқни бажариш билан боғлиқ харажатларини компенсация қилиш юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битимда (шартномада) назарда тутилган тартибда ҳамда муддатларда хайъат кассасига кирим қилиниши ёки хайъатнинг банкдаги ҳисобварағига ўтказилиши шарт.

Ҳайъат томонидан юридик ёрдам кўрсатиш учун ҳақ тўлашнинг қуйидаги шакллари белгиланиши мумкин: соатбай, ҳар ойлик, муайян бажарилган ҳажм учун ва бошқа.

42. Ҳайъатнинг таъминоти, ривожланиши ва унинг зиммасига юклатилган вазифаларни самарали бажарилиши мақсадида хайъатнинг ҳар бир аъзоси ҳар ойда хайъатга \_\_\_ сўм миқдорида аъзолик бадалларини тўлайди.

Юридик ёрдам кўрсатиш учун ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) томонидан хайъат аъзосига тўланадиган ҳақнинг суммалари қонун ҳужжатларига

мувофиқ солиққа тортилади. Солиққа тортилиш ҳайъат аъзоларининг солиқ агенти ҳисобланган ҳайъат томонидан амалга оширилади.

Ишонч билдирувчи шахсларга (ҳимоя остидаги шахсларга) юридик ёрдам кўрсатиш учун ҳайъат аъзоси томонидан олинган унинг пул маблағларининг қолдиқлари ҳайъатнинг ана шу аъзоси тасарруфига тушади.

43. Ҳайъатнинг пул маблағлари ҳайъатни моддий-техника жиҳатидан жиҳозлашга, ходимлар, шу жумладан, адвокатларнинг стажёрлари ва ёрдамчилари меҳнатига ҳақ тўлашга ҳамда ҳайъатнинг устав мақсадалари ва вазифаларини бажариш билан боғлиқ бошқа мақсадларга сарфланади.

### **VIII. Ҳайъатнинг фаолиятини тугатиш**

44. Ҳайъатни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

45. Ҳайъатни қайта ташкил этиш Умумий йиғилишнинг қарорига биноан амалга оширилади.

46. Ҳайъатни тугатиш Умумий йиғилишнинг ёки хўжалик судининг қарорига биноан амалга оширилади.

47. Ҳайъат ихтиёрий тугатилганида Умумий йиғилиш ҳайъатни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилади, тугатувчини тайинлайди ҳамда тугатиш тартиби ва муддатларини қонун ҳужжатларига мувофиқ белгилайди.

### **IX. Яқунловчи қоидалар**

48. Ҳайъат ўз фаолияти натижаларини ҳисобини олиб боради ва белгиланган тартибда тегишли ташкилотларга ҳисоботлар тақдим этади.

49. Ҳайъатнинг Таъсис шартномаси ва ушбу Устав қоидалари мос келмаган ҳолда, Устав қоидалари учинчи шахслар ва ҳайъат аъзолари учун устувор кучга эга бўлади.

## АДВОКАТЛАР ҲАЙЪАТИНИНГ НАМУНАВИЙ ТАЪСИС ШАРТНОМАСИ

Тошкент шаҳри

20 \_\_\_\_ йил “ \_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_

Биз, \_\_\_\_\_ томонидан

(адлия органининг номи)

\_\_\_\_ йил “ \_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ да берилган адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини  
берувчи \_\_\_\_ -сон лицензияга эга адвокат \_\_\_\_\_

(Ф.И.О., Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортидаги маълумотлар)

(бундан кейинги ўринларда 1-сон муассис деб номланади);

\_\_\_\_\_ томонидан

(адлия органининг номи)

\_\_\_\_ йил “ \_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ да берилган адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини  
берувчи \_\_\_\_ -сон лицензияга эга адвокат \_\_\_\_\_

(Ф.И.О., Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортидаги маълумотлар)

(бундан кейинги ўринларда 2-сон муассис деб номланади);

\_\_\_\_\_ томонидан

(адлия органининг номи)

\_\_\_\_ йил “ \_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ да берилган адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини  
берувчи \_\_\_\_ -сон лицензияга эга \_\_\_\_\_

(Ф.И.О., Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортидаги маълумотлар)

(бундан кейинги ўринларда 3-сон муассис деб номланади);

\_\_\_\_\_ томонидан

(адлия органининг номи)

\_\_\_\_ йил “ \_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ да берилган адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини  
берувчи \_\_\_\_ -сон лицензияга эга \_\_\_\_\_

(Ф.И.О., Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортидаги маълумотлар)

(бундан кейинги ўринларда 10-сон муассис деб номланади);

.....  
хаммамиз биргаликда, бундан кейинги ўринларда муассислар деб номланувчилар  
мазкур Таъсис шартномасини туздик.

### I. Таъсис шартномасининг предмети

1. Муассислар адвокатлар ҳайъати (бундан кейинги ўринларда ҳайъат деб юритилади) шаклидаги адвокатлик тузилмасини ташкил этиш мажбуриятини оладилар.
2. Муассислар адвокатлик фаолиятини амалга ошириш мақсадида ўз улушлари ва саъй-ҳаракатларини бирлаштириш учун мазкур Таъсис шартномасини туздилар.

3. Муассислар улушларни мазкур Таъсис шартномасида назарда тутилган тартибда ва муддатларда киритиш мажбуриятини олдилар.

## II. Умумий қоидалар

4. Ҳайъат адвокатларнинг аъзолигига асосланган, нотижорат ташкилоти бўлган адвокатлик тузилмасидир. Ҳайъат муассислари бир вақтнинг ўзида унинг аъзолари ҳисобланади.

Ҳайъат аъзоларининг сони ўнтадан кам бўлмаслиги керак.

5. Ҳайъат ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларига ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ва унинг худудий бошқармалари қарорларига, Адвокатларнинг касб этикаси қоидаларига, Ҳайъат устави ва мазкур Таъсис шартномасига амал қилади.

6. Ҳайъат мол-мулкка, мустақил балансга, банкларда ҳисобварақларига ва ўз номи кўрсатилган муҳрга эгадир.

Ҳайъат ўз номи кўрсатилган эмблема, штамп ва бланкаларга эга бўлиши мумкин.

7. Ҳайъат ўз номидан мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқлар олишга ҳамда амалга оширишга, мажбуриятлар олишга, судда даъвогар ва жавобгар бўлишга ҳақли.

8. Ҳайъат ўз мажбуриятлари бўйича ўзининг бутун мол-мулки билан жавоб беради. Ҳайъат ўз аъзоларининг мажбуриятлари бўйича, аъзолар эса, ҳайъат мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

9. Ҳайъат белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб юридик шахс мақомига эга бўлади.

10. Ҳайъат номуайян муддатга тузилган.

11. Ҳайъатнинг номи:

давлат тилида: “\_\_\_\_\_” адвокатлар ҳайъати;

рус тилида: коллегия адвокатов “\_\_\_\_\_”.

12. Ҳайъат жойлашган ери (почта манзили): \_\_\_\_\_.

13. Ҳайъат юридик ёрдам кўрсатиш учун ўзи турган ердан ташқарида жойлашган филиаллар тузишга ҳақли.

## III. Ҳайъат фаолиятининг предмети, мақсади ва вазифалари

14. Ҳайъат фаолиятининг предмети унинг аъзолари томонидан адвокатлик фаолиятининг амалга оширилишидир.

15. Ҳайъат фаолиятининг мақсади жисмоний ва юридик шахсларга малакали юридик ёрдам кўрсатишдир.

16. Ҳайъатнинг асосий вазифалари қуйидагилардир:

жисмоний ва юридик шахсларга профессионал юридик ёрдам кўрсатиш учун зарур шароитлар яратиш;

хайъат аъзолари ўз касбий билимларини доимий равишда такомиллаштириб боришлари учун тегишли шароитлар яратиш;

адвокатуранинг юқори малакали кадрлар билан тўлдириш учун адвокатлар стажёрларини тайёрлаш.

#### IV. Ҳайъатга аъзолик

17. Адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган ва адвокат қасамёдини қабул қилган шахслар, шунингдек, бошқа адвокатлик тузилмаларида ишлаётган адвокатлар ҳайъатга аъзо сифатида қабул қилинади.

18. Ҳайъат аъзолигига қабул қилиш тўғрисидаги қарор Адвокатлар ҳайъатининг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

Ишга қабул қилиш ҳайъат бошқарувчисининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

Ҳайъат аъзосининг меҳнат шароитлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиладиган меҳнат шартномаси (контракт) билан белгиланади.

Ҳайъат унинг аъзоси учун асосий иш жойидир.

19. Бошқа адвокатлик тузилмасида ишлаётган адвокат ҳайъат аъзолигига қабул қилинганидан кейин уни ана шу тузилмадан чиқариш белгиланган тартибда амалга оширилади.

20. Ҳайъат аъзолари ҳайъатни камида уч ой олдин хабардор қилиб, истаган вақтда унинг таркибидан чиқишга ҳақли.

21. Ҳайъат аъзоси ҳайъат таркибидан чиқарилади ва у билан меҳнат шартномаси (контракт) бекор қилинади:

ҳайъат аъзосининг аризасига биноан;

ҳайъат аъзосини муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топиш тўғрисидаги суднинг қарори қонуний кучга кирганда;

ҳайъат аъзоси томонидан адвокатнинг шаъни ва қадр-қимматига доғ туширадиган ҳамда адвокатуранинг обрўсини туширадиган қилмиш содир этилган ҳолда;

ҳайъат аъзоси томонидан ўз мажбуриятлари бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолда;

ҳайъат аъзоси унда судланганлиги олиб ташланмаган ёки судланганлик ҳолати тугалланмаган ҳолат келиб чиқишига олиб келадиган жиноят содир этганликда айбдор деб топилганлиги тўғрисидаги суднинг ҳукми қонуний кучга кирганда;

ҳайъат аъзоси томонидан ҳайъат аъзолигига қабул қилинаётганда ўзи тўғрисида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотлар берилган ҳолда;

ҳайъат аъзосининг адвокат мақоми тугатилган ҳолда.

Ҳайъат аъзосини ҳайъатдан чиқариш қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асослар бўйича ҳам амалга оширилиши мумкин.

Ҳайъат аъзосини ҳайъатдан чиқариш тўғрисидаги қарор Адвокатлар ҳайъатининг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

## V. Ҳайъат аъзоларининг ҳайъат фаолиятида иштирок этиши

22. Ҳайъат аъзолари ҳайъат фаолиятида:  
 жисмоний ва юридик шахсларга юридик ёрдам кўрсатишда;  
 ҳайъатнинг раҳбар органлари ишида;  
 ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг тайинловига биноан навбатчилик жадвалига мувофиқ жиноят ишларида;  
 белгиланган тартибда адвокатларнинг стажёрларини тайёрлашда;  
 ҳайъат аъзоларининг тергов ва суд амалиёти, адвокатлик ҳимояси амалиёти билан боғлиқ мураккаброқ масалаларни, шунингдек, ҳуқуқни қўллаш амалиётининг бошқа масалаларини муҳокама қилиш мақсадига қаратилган кенгашларида;  
 ҳайъат аъзолари ўртасида адвокатлар ишидаги ижобий тажрибани тарқатишда;  
 ҳайъат фаолияти билан боғлиқ бошқа ишларда қатнашиш йўли билан иштирок этадилар.
23. Юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битим (шартнома) ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) билан адвокат ўртасида тузилади ва ҳайъат ҳужжатларида рўйхатдан ўтказилади.

## VI. Ҳайъат аъзоларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

24. Ҳайъат аъзолари:  
 ҳайъат фаолияти билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинаётганда иштирок этиш;  
 ҳайъат ишини яхшилаш бўйича таклифлар киритиш;  
 ҳайъатнинг раҳбар органларига сайлаш ва сайланиш;  
 ҳайъат фаолияти тўғрисида ахборот олиш, ҳужжатлар билан, шу жумладан, ҳайъатнинг молиявий фаолияти билан боғлиқ ҳужжатлар билан танишиш;  
 ҳайъат таркибидан чиқиш;  
 ҳайъат таркибидан чиққанида, ҳайъат аъзоси томонидан ҳайъат мулки қилиб топширилган мол-мулк қиймати доирасида унинг мол-мулкининг бир қисмини ёки ана шу мол-мулк қийматини олиш, аъзолик бадаллари бундан мустасно;  
 ҳайъат тугатилганида, ҳайъат аъзоси томонидан ҳайъат мулки қилиб топширилган мол-мулк қиймати доирасида ҳайъатнинг кредиторлар билан ҳисоб-китоблар қилингандан кейин қолган мол-мулкининг бир қисмини ёки ана шу мол-мулк қийматини олиш ҳуқуқига эга.

Ҳайъат аъзолари қонун ҳужжатларига, Ҳайъатнинг Уставига ва мазкур Таъсис шартномасига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлиги мумкин.

Умумий масалаларни ҳал этишда ҳайъат аъзоларининг ҳуқуқлари тенг ва улар киритган мулкый улушга, адвокатлик фаолияти стажига ҳамда бошқа шартларга боғлиқ бўлмайди.

25. Ҳайъат аъзолари:

Ҳайъатнинг Устави ва мазкур Таъсис шартномаси талабларига риоя этишлари ҳамда уларни бажаришлари;

хайъатнинг фаолиятида фаол иштирок этишлари;  
хайъат раҳбар органларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорларини ижро этишлари;

аъзолик бадалларини ўз вақтида тўлашлари;

хайъат фаолияти тўғрисидаги махфий ахборотни ошкор қилмасликлари шарт.

Хайъат аъзолари қонун ҳужжатларига, Хайъатнинг Уставига ва мазкур таъсис шартномасига мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам бажарадилар.

26. Хайъат аъзоларига бошқа адвокатлик тузилмасида адвокатлик фаолиятини амалга ошириш тақиқланади.

### **VII. Хайъатнинг раҳбар органлари**

27. Адвокатлар хайъати аъзоларининг умумий йиғилиши (бундан кейинги ўринларда Умумий йиғилиш деб юритилади) хайъатнинг олий органидир.

Хайъатнинг фаолиятига жорий раҳбарликни бошқарувчи амалга оширади.

Умумий йиғилишнинг қарори билан бошқарувчининг ўринбосар(лар)и сайланиши мумкин.

Хайъатнинг молия-хўжалик фаолияти устидан назоратни амалга ошириш учун Умумий йиғилишнинг қарори билан хайъатнинг тафтиш комиссияси (тафтишчиси) тузилиши мумкин.

28. Хайъат раҳбар органларининг ваколатлари, масъулияти ва қарорлар қабул қилиш тартиби хайъат Устави билан белгиланади.

### **VIII. Хайъатнинг мол-мулки.**

#### **Юридик ёрдам кўрсатиш учун тўланадиган ҳақ**

29. Хайъатнинг мол-мулки бино, хона, транспорт воситалари, мебель ва бошқа жиҳозлар, техника воситалари, пул маблағлари ва бошқа мол-мулкдан иборатдир.

30. Хайъат мол-мулкини шакллантириш манбалари қуйидагилардир:

хайъат мулки қилиб унинг аъзолари томонидан топширилган мол-мулк;

хайъатга унинг аъзолари томонидан тўланадиган ҳар ойлик аъзолик бадаллари;

фаолият давомида эга бўлинган мол-мулк;

қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа маблағлар.

31. Хайъатнинг дастлабки мол-мулкини шакллантириш учун унинг муассислари қуйидагича улушлар киритадилар:

1-сон муассис – \_\_\_\_\_ сўм миқдорида пул;

2-сон муассис – \_\_\_\_\_ сўмлик мебель (столлар, стуллар, шкафлар ва бошқа шу кабилар);

3-сон муассис – \_\_\_\_\_ сўмлик оргтехника (компьютер, принтер, сканер ва бошқа шу кабилар);

.....



10-сон муассис \_\_\_\_\_ да жойлашган  
 \_\_\_\_\_ сўмлик бинодан (хонадан) беғараз фойдаланиш ҳуқуқи.

32. Ҳайъат аъзосининг мулкӣ улушини пул ҳисобида баҳолаш ҳайъат аъзолари ўртасидаги келишув бўйича амалга оширилади.

33. Ҳайъат давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб бир ой ичида улушларини киритмаган муассислар ҳайъатдан чиқарилиши мумкин.

34. Ҳайъат аъзоларининг мулкӣ улушлари ҳисобига вужудга келган, шунингдек, ҳайъат ташкил этилиши ва фаолияти давомида у томонидан эга бўлинган ёки олинган мол-мулк мулк ҳуқуқи асосида ҳайъатга тегишли.

35. Ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) томонидан ҳайъат аъзосига тўланадиган ҳақ ва ҳайъат аъзосининг топшириқни бажариш билан боғлиқ харажатларини компенсация қилиш юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битимда (шартномада) назарда тутилган тартибда ҳамда муддатларда ҳайъат кассасига кирим қилиниши ёки ҳайъатнинг банкдаги ҳисобварағига ўтказилиши шарт.

Ҳайъат томонидан юридик ёрдам кўрсатиш учун ҳақ тўлашнинг қуйидаги шакллари белгиланиши мумкин: соатбай, ҳар ойлик, муайян бажарилган ҳажм учун ва бошқа.

36. Ҳайъатнинг таъминоти, ривожланиши ва унинг зиммасига юклатилган вазифаларни самарали бажарилиши мақсадида ҳайъатнинг ҳар бир аъзоси ҳар ойда ҳайъатга \_\_\_\_\_ сўм миқдорида аъзолик бадалларини тўлайди.

Юридик ёрдам кўрсатиш учун ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) томонидан ҳайъат аъзосига тўланадиган ҳақнинг суммалари қонун ҳужжатларига мувофиқ солиққа тортилади. Солиққа тортилиш ҳайъат аъзоларининг солиқ агенти ҳисобланган ҳайъат томонидан амалга оширилади.

Ишонч билдирувчи шахсларга (ҳимоя остидаги шахсларга) юридик ёрдам кўрсатиш учун ҳайъат аъзоси томонидан олинган унинг пул маблағларининг қолдиқлари ҳайъатнинг ана шу аъзоси тасарруфига тушади.

37. Ҳайъатнинг пул маблағлари ҳайъатни моддий-техника жиҳатидан жиҳозлашга, ходимлар, шу жумладан, адвокатларнинг стажёрлари ва ёрдамчилари меҳнатига ҳақ тўлашга ҳамда ҳайъатнинг устав мақсадлари ва вазифаларини бажариш билан боғлиқ бошқа мақсадларга сарфланади.

## IX. Яқунловчи қоидалар

38. Мазкур Таъсис шартномаси у имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

39. Мазкур Таъсис шартномасининг амал қилиш муддати чекланмаган.

40. Ҳайъат аъзолари ўртасида келиб чиқадиган келишмовчиликлар ва низолар ўзаро келишув бўйича ҳал этилади. Келишувга эришилмаган ҳолда, низолар суд тартибида ҳал этилади.

41. Мазкур Таъсис шартномасида назарда тутилмаган масалалар қонун ҳужжатлари ва Ҳайъат устави билан тартибга солинади.

42. Мазкур Таъсис шартномаси ва ҳайъат Устави қоидалари мос келмаган ҳолда, ҳайъат Уставининг қоидалари учинчи шахслар ва ҳайъат аъзолари учун устувор кучга эга бўлади.

1-сон муассиснинг \_\_\_\_\_ (Ф.И.О., яшаш жойи ва почта манзили) \_\_\_\_\_ (имзоси)

2-сон муассиснинг \_\_\_\_\_ (Ф.И.О., яшаш жойи ва почта манзили) \_\_\_\_\_ (имзоси)

3-сон муассиснинг \_\_\_\_\_ (Ф.И.О., яшаш жойи ва почта манзили) \_\_\_\_\_ (имзоси)

10-сон муассиснинг \_\_\_\_\_ (Ф.И.О., яшаш жойи ва почта манзили) \_\_\_\_\_ (имзоси)

## ЮРИДИК МАСЛАҲАТХОНА ТЎҒРИСИДАГИ НАМУНАВИЙ НИЗОМ

### I. Умумий қоидалар

1. “ \_\_\_\_\_ ” юридик маслаҳатхонаси (бундан кейинги ўринларда юридик маслаҳатхона деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг \_\_\_\_\_ бўйича ҳудудий бошқармаси (бундан кейинги ўринларда ҳудудий бошқарма деб юритилади) томонидан ташкил этилган.

2. Юридик маслаҳатхона ҳудудий бошқарма томонидан ташкил этилган ва юридик шахс мақомига эга бўлмаган адвокатлик тузилмасидир.

3. Юридик маслаҳатхона ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларига ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ва ҳудудий бошқарманинг қарорларига, Адвокатларнинг касб этикаси қоидаларига, Ҳудудий бошқарма тўғрисидаги низомга ва мазкур Низомга амал қилади.

4. Юридик маслаҳатхонага ҳудудий бошқарма томонидан эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқлари асосида мол-мулк берилади.

5. Юридик маслаҳатхона ўз номи кўрсатилган муҳр, штамп ва бланкаларга эгадир.

6. Юридик маслаҳатхона у белгиланган тартибда ҳисобга олинган кундан бошлаб ўз фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлади.

7. Юридик маслаҳатхонанинг номи:

давлат тилида: “ \_\_\_\_\_ ” юридик маслаҳатхонаси;

рус тилида: юридическая консультация “ \_\_\_\_\_ ”.

8. Юридик маслаҳатхона жойлашган ери (почта манзили): \_\_\_\_\_.

### II. Юридик маслаҳатхона фаолиятининг предмети ва мақсади

9. Юридик маслаҳатхона фаолиятининг предмети унинг адвокатлари томонидан адвокатлик фаолиятининг амалга оширилишидир.

10. Юридик маслаҳатхона фаолиятининг мақсади жисмоний ва юридик шахсларга малакали юридик ёрдам кўрсатишдир.

### III. Юридик маслаҳатхона адвокатлари билан меҳнат муносабатлари

11. Адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган ва адвокат қасамёдини қабул қилган шахслар, шунингдек, бошқа адвокатлик тузилмаларида ишлаётган адвокатлар юридик маслаҳатхонага қабул қилинади.

12. Юридик маслаҳатхонага ишга қабул қилиш тўғрисидаги қарор ҳудудий бошқарма томонидан қабул қилинади.

Ишга қабул қилиш ҳудудий бошқарма бошлигининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

Юридик маслаҳатхона ходимининг меҳнат шaroитлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиладиган меҳнат шартномаси (контракт) билан белгиланади.

Юридик маслаҳатхона адвокатнинг асосий иш жойидир.

13. Бошқа адвокатлик тузилмасида ишлаётган адвокат юридик маслаҳатхонага ишга қабул қилинганидан кейин уни ана шу тузилмадан чиқариш белгиланган тартибда амалга оширилади.

14. Юридик маслаҳатхона адвокатлари билан меҳнат шартномаси (контракт) куйидаги ҳолларда бекор қилинади:

адвокатнинг аризасига биноан;

адвокатни муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топиш тўғрисидаги суднинг қарори қонуний кучга кирганда;

адвокат томонидан адвокатнинг шаъни ва қадр-қимматига доғ туширадиган ҳамда адвокатуранинг обрўсини туширадиган қилмиш содир этилган ҳолда;

адвокат томонидан ўз мажбуриятлари бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолда;

адвокат унда судланганлиги олиб ташланмаган ёки судланганлик ҳолати тугалланмаган ҳолат келиб чиқишига олиб келадиган жиноят содир этганликда айбдор деб топилганлиги тўғрисидаги суднинг ҳукми қонуний кучга кирганда;

адвокат томонидан юридик маслаҳатхонага қабул қилинаётганда ўзи тўғрисида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотлар берилган ҳолда;

юридик маслаҳатхона адвокатининг адвокат мақоми тугатилган ҳолда;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асосларга биноан.

Меҳнат шартномасини (контрактни) бекор қилиш ҳудудий бошқарма бошлигининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

#### IV. Юридик маслаҳатхонада адвокатларнинг фаолияти

15. Адвокатлар юридик маслаҳатхона фаолиятида:

жисмоний ва юридик шахсларга юридик ёрдам кўрсатишда;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг тайинловига биноан навбатчилик жадвалига мувофиқ жиноят ишларида;

белгиланган тартибда адвокатларнинг стажёрларини тайёрлашда;

юридик маслаҳатхона ходимларининг тергов ва суд амалиёти, адвокатлик ҳимояси амалиёти билан боғлиқ мураккаброқ масалаларни, шунингдек ҳуқуқни қўллаш амалиётининг бошқа масалаларини муҳокама қилиш мақсадига қаратилган кенгашларида;

юримдик маслаҳатхона ходимлари ўртасида адвокатлар ишидаги ижобий тажрибани тарқатишда;

юримдик маслаҳатхона фаолияти билан боғлиқ бошқа ишларда қатнашиш йўли билан иштирок этадилар.

16. Юримдик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битим (шартнома) адвокат билан ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) ўртасида тузилади ва юримдик маслаҳатхона ҳужжатларида рўйхатдан ўтказилади.

#### **V. Юримдик маслаҳатхона адвокатларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари**

17. Юримдик маслаҳатхона адвокатлари:

юримдик маслаҳатхона фаолияти билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинаётганда иштирок этиш;

юримдик маслаҳатхона ишини яхшилаш бўйича таклифлар киритиш;

юримдик маслаҳатхона таркибидан чиқиш ҳуқуқига эга.

Юримдик маслаҳатхона адвокатлари қонун ҳужжатларига, Ҳудудий бошқарма тўғрисидаги низомга ва мазкур Низомга мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

18. Юримдик маслаҳатхонанинг адвокатлари:

Ҳудудий бошқарма тўғрисидаги низом ва мазкур Низом талабларига риоя этишлари ҳамда уларни бажаришлари;

юримдик маслаҳатхона фаолиятида фаол иштирок этишлари;

ҳудудий бошқарма ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорларини ижро этишлари;

юримдик маслаҳатхона фаолияти тўғрисидаги махфий ахборотни ошкор қилмасликлари шарт.

Юримдик маслаҳатхона адвокатлари қонун ҳужжатларига, Ҳудудий бошқарма тўғрисидаги низомга ва мазкур Низомга мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам бажарадилар.

19. Юримдик маслаҳатхона адвокатларига бошқа адвокатлик тузилмасида адвокатлик фаолиятини амалга ошириш тақиқланади.

#### **VI. Юримдик маслаҳатхонани бошқариш**

20. Юримдик маслаҳатхонага ҳудудий бошқарма бошлиғи томонидан тайинланадиган мудир раҳбарлик қилади.

Мудир:

юримдик маслаҳатхонани самарали ишлашини таъминлайди;

ҳудудий бошқарма қарорлари ижро этилишини таъминлайди;

адвокат томонидан ишни олиб боришга ордер бланкалари ҳисобини юритади, сақланилишини ва мақсадли фойдаланилишини таъминлайди;

адвокат томонидан ишни олиб боришга ордерни имзолайди ва беради;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг тайинловига биноан навбатчилик жадвалига мувофиқ жинойт ишларида адвокатларни иштирок этишини таъминлайди;

юридик маслаҳатхонанинг адвокатлари томонидан ўз касбий билимларини доимий равишда такомиллаштирилиб боришлари ва адвокатларнинг стажёрларини тайёрлашлари устидан назоратни амалга оширади;

юридик маслаҳатхона фаолияти билан боғлиқ бошқа ишларни юритади.

21. Мудир ҳудудий бошқармага ҳисобдордир.

## **VII. Юридик маслаҳатхона таъминоти. Юридик ёрдам кўрсатиш учун ҳақ тўлаш**

22. Юридик маслаҳатхона таъминоти харажатлар сметаси, шу жумладан, юридик маслаҳатхона адвокатларининг меҳнатига тўланадиган ҳақ миқдорлари ҳудудий бошқарма томонидан белгиланади. Адвокатларнинг меҳнатига жисмоний ва юридик шахслардан уларга юридик ёрдам кўрсатганлиги учун келиб тушадиган маблағлар ҳисобидан ҳақ тўланади. Маблағлар етарли бўлмагани тақдирда, ҳудудий бошқарма юридик маслаҳатхонанинг таъминоти учун қўшимча маблағлар ажратади.

23. Харажатлар сметасига мувофиқ ҳудудий бошқарма томонидан юридик маслаҳатхонани моддий-техника жиҳатдан жиҳозлаш, ходимлар, шу жумладан, адвокатларнинг стажёрлари ва ёрдамчилари меҳнатига ҳақ тўлаш ҳамда юридик маслаҳатхона фаолияти билан боғлиқ бошқа мақсадлар учун пул маблағлари ажратилади.

24. Ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) томонидан адвокатга тўланадиган ҳақ ва адвокатнинг топширикни бажариш билан боғлиқ харажатларини компенсация қилиш юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битимда (шартномада) назарда тутилган тартибда ҳамда муддатларда юридик маслаҳатхонанинг кассасига кирим қилиниши ёки ҳудудий бошқарманинг банкдаги ҳисобварағига ўтказилиши шарт.

Ҳудудий бошқарма томонидан юридик ёрдам кўрсатиш учун ҳақ тўлашнинг куйидаги шакллари белгиланиши мумкин: соатбай, ҳар ойлик, муайян бажарилган ҳажм учун ва бошқа.

Юридик ёрдам кўрсатиш учун ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) томонидан адвокатга тўланадиган ҳақнинг суммалари қонун ҳужжатларига мувофиқ солиққа тортилади. Солиққа тортилиш адвокатларнинг солиқ агенти ҳисобланган ҳудудий бошқарма томонидан амалга оширилади.

## **VIII. Яқунловчи қоидалар**

25. Юридик маслаҳатхонанинг моддий-техника таъминоти тартиби ва шартлари, юридик маслаҳатхонага ишлаш учун юборилган адвокатлар учун хизмат хоналари ва зарурат бўлганда, турар жойлар ажратиш билан боғлиқ масалалар ҳудудий бошқарма томонидан туман (*шаҳар*) ҳокимлиги билан биргаликда ҳал қилинади.

26. Юридик маслаҳатхона ўз фаолияти натижаларини ҳисобини олиб боради ва ҳудудий бошқармага тегишли ҳисоботлар тақдим этади.

27. Ҳудудий бошқарма юридик маслаҳатхонанинг фаолияти устидан назоратни амалга оширади.

28. Юридик маслаҳатхона фаолиятини тугатиш қонун ҳужжатларига, Худудий бошқарма тўғрисидаги низом ва мазкур Низомга мувофиқ амалга оширилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҚОНУНГА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик Мажлиси Қонун ҳужжатлари йўналишидаги қўшма комиссияси тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик Мажлиси Қонун ҳужжатлари йўналишидаги қўшма комиссияси тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик Мажлиси Қонун ҳужжатлари йўналишидаги қўшма комиссияси тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик Мажлиси Қонун ҳужжатлари йўналишидаги қўшма комиссияси тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик Мажлиси Қонун ҳужжатлари йўналишидаги қўшма комиссияси тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик Мажлиси Қонун ҳужжатлари йўналишидаги қўшма комиссияси тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик Мажлиси Қонун ҳужжатлари йўналишидаги қўшма комиссияси тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик Мажлиси Қонун ҳужжатлари йўналишидаги қўшма комиссияси тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик Мажлиси Қонун ҳужжатлари йўналишидаги қўшма комиссияси тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик Мажлиси Қонун ҳужжатлари йўналишидаги қўшма комиссияси тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик Мажлиси Қонун ҳужжатлари йўналишидаги қўшма комиссияси тўғрисида